

Ҳ У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туман суди,
2020 йил май ойининг 27 куни, ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи: Х.Х.Хотамов

Судья ёрдамчиси И.Усмановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туман прокурорининг ёрдамчиси С.Ибадуллаев, судланувчи С.А.Усарова ва унинг ҳимоячиси адвокат Я.М.Қурбонов, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакили А.Абдумаминова ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Х.Садиковларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланаётган:

Усарова Садокат Анарбаевна (Usarova Sadokat Anarbayevna), 1984 йил 7 декабрь куни Сирдарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Янгиқишлоқ к.ф.й., Ойбек кўчаси, 7-уй, 1-хонадонда рўйхатда туриб, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Бектемир м.ф.й., А.Темур кўчаси рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 14 апрель куни олган, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

оид 01-1114-2001/71-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Усарова Садокат Анарбаевна, 2020 йил 23 февраль куни соат тахминан 23:30 ларда М.Э.Ҳикматовга тегишли, “Nexia” русумли, давлат рақами 01 S 306 ВВ бўлган автомашинани ишонч қоғози билан Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Бектемир м.ф.й., А.Темур кўчаси ички йўлида бошқариб, 43-уйнинг олдида ЙХҚнинг 77-бандининг 3-қисми, яъни “Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имконияти бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла



тўхтатишини таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” талабларини кўпол равишда бузиб, ўзининг ҳаракат йўналиши бўйича йўлни ўнг марза қисмида кетаётган пиёда Абдумаминова Камила Абдурахмановнани уриб юборган. Натижада К.А.Абдумаминова тан жароҳати олиб, РШТЁИМ Тошкент вилояти филиалига мурожаат қилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2020 йил 20 мартдаги 262-Қ-сонли хулосасига кўра, К.А.Абдумаминова “соғлиқни учдан биридан кўпроғини турғун йўқолишига олиб келган оғир” тан жароҳати олганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган **Усарова Садокат Анарбаевна**, унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам 2020 йил 23 февраль куни соат тахминан 23:30 ларда “Nexia” русумли, давлат рақами 01 S 306 ВВ бўлган автомашинани бир нафар йўловчи, кизи Турсунпўлатова Мадина билан бошқариб Тошкент шаҳридан вақтинча яшаб келаётган Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Бектемир м.ф.й., А.Темур кўчасига кириш йўлидан бурилиб уйига кириб кетаётганида, дала майдони четидан ўтиб, йўналиши бўйлаб 20 км тезликда, яқинни ёритувчи чироқлари ёқилган ҳолатда кўчадан чапга ва ўнгга бурилиб нимагадир чалғиб йўлнинг ўнг тарафида йўнилиши бўйлаб ҳарактланиб кетаётган пиёда кейинчалик унга маълум бўлган Абдумаминова Камила Абдурахмановнани кўрмай қолиб бошқарувидаги автомашинанининг олд ўнг бурчаги билан уриб юборганини, шунда у автомашинани тўхтатиб тушганини ҳамда К.А.Абдумаминовани автомашинани орқа ўриндиғига ўтказганини, шок ҳолатида бўлганлиги сабабли автомашинани бошқармасдан таниши “Бахтиёр”га кўнғироқ қилиб чақирганини, “Бахтиёр” келганидан сўнг К.А.Абдумаминовани РШТЁИМ Тошкент вилояти филиалига олиб боришганини, у ерда шифокорлар К.А.Абдумаминовага биринчи тиббий ёрдам кўрсатишганини, у керакли дори-дармонларни олиб келиб берганини, шундан сўнг ИИБ ЙХХБ ходимлари билан ҳодиса жойига борганини ва у ерда ЙХХБ ходимлари тегишли ҳужжатлар расмийлаштиришганини, у К.А.Абдумаминовага керакли дори-дармонларини олиб берганини ва аҳволдан хабар олиб турганини, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакили талаб қилаётган моддий зарарни қоплашга моддий томондан имкони йўқлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи С.А.Усарованинг айби, жиноят тафсилотларини батафсил ёритиб берган жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакилини кўрсатмаси билан ҳам тўлиқ тасдиқланган, жумладан:

Суд мажлисида жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакили тариқасида сўроқ қилинган **Абдумаминова Алиям**, ҳақиқатан ҳам 2020 йил 23 февраль куни соат тахминан 23:40 ларда унга нотаниш



рақамдан қўнғироқ бўлиб, қизи Абдумаминова Камила Абдурахмановнани автомашина уриб юборганини маълум қилишганини, шунда у уйдан чиқиб қараган вақтида тахминан 100 метрлар узоқликда “Nexia” русумли автомашина турганини кўриб, у ерга борган вақтида қизи К.А.Абдумаминова ушбу автомашинани орқа ўриндиғида тан жароҳати олган ҳолда ётганини кўрганини, бир оздан сўнг мазкур автомашина ҳайдовчиси кейинчалик унга маълум бўлган Усарова Садокат Анарбаевнани таниши келиб, автомашинани бошқариб қизи К.А.Абдумаминовани РШТЁИМ Тошкент вилояти филиалига олиб кетишганини, С.А.Усарова керакли дори-дармонларни олиб келганини, қизи касалхонада тахминан йигирма кун ётиб даволанганини, қизи К.А.Абдумаминова касалхонада бўлган вақтида С.А.Усарова хабар олиб турганини, лекин касалхонадан чиққанидан кейин аҳолидан хабар олмаганини, ҳозирги кунда ҳам қизини соғлиғи яхши эмаслигини, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида уларни оиласига жами 15.000.000 сўм миқдорида моддий ва маънавий зарар етказилганлигини, судланувчи С.А.Усаровадан уларга етказилган моддий зарарни ундириб, судланувчига нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи С.А.Усарованинг содир этган жиноятдаги айби жабрланувчи ва гувоҳларнинг берган кўрсатмасидан ташқари ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақида баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, чизма билан (и.в. 3-9), тиббий маълумотнома билан (и.в. 10), тушунтириш хатлари билан (и.в. 15-19), судга оид тиббий экспертиза хулосаси билан (и.в. 22-25), судга оид транспорт трассалогия ва автотехника экспертиза хулосаси билан (и.в. 29-30) ва жиноят ишида тўпланган ҳолисона ҳамда бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи С.А.Усарованинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг “транспорт воситасининг бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиш” да ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги;

- жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

- жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш



орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 8-моддасининг 1-қисмида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлишлиги, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи **С.А.Усарова**га нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, шунингдек содир этилган жинояти унинг бепарволиги ва эҳтиётсизлиги оқибатида содир қилган деб ҳисоблаб, унинг тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва мулкый шароитини, шахсини, муқаддам судланмаганини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, зеро, суд, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакилини даъвоси борлигига ва уни кечирмаганлигига ўзини танқидий баҳосини бериб, шу аснода жазо тайинлашнинг баҳолаш мезонидан ва юқорида қайд этилган асослардан келиб чиқиб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни лозим деб топади.



Бундан ташқари, суд, судланувчи С.А.Усаровага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 45-моддаси бўйича қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқукдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9-бандида “Мулкий зиён етказилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда, суд фуқаровий даъвони ҳал этиши, даъво қўзғатилмаган бўлса, мулкий зиённи қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиши лозим. Бунда иш материалларида хатланган мол-мулкнинг йўқлиги мулкий зиённи қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдириш учун асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. Фуқаровий даъвони ҳал этишда суд ЖПК 467-моддасига мувофиқ айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш асосларини, жиноят натижасида етказилган мулкий зиён хусусияти ва миқдорини кўрсатиши, шунингдек, мулкий зиён миқдorigа тегишли ҳисоблаш яқунларини келтириши ҳамда фуқаровий даъвони ҳал қилиш учун асос қилиб олинган қонун нормасини қайд этиши лозим. Жиноят процессида қўзғатилган фуқаровий даъвонинг рад этилиши даъвогарни ўша шахсга нисбатан ва айнан ўша асослар бўйича фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Агар фуқаровий даъвогарнинг даъводан воз кечиши қонунга ҳилоф бўлса ёки давлат ёхуд бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишни қабул қилмайди. Жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатмаган шахс, шунингдек, даъвоси кўрмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўзғатиш ҳуқуқига эга”лиги қайд этилган.

Шунга кўра, суд, судланувчи С.А.Усаровадан жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакили А.Абдумаминова фойдасига даволаниш учун сарфланган 1.841.984 сўм миқдоридаги моддий зарарни ундиришни, манфаатдор тарафларга жиноят натижасида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан судланувчининг яшаш манзили бўйича судга ёхуд тегишли тартибларда бошқа фуқаролик ишлари бўйича судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланганлиги, шунингдек мазкур ҳуқуқларга ҳақли ва эга эканликлари тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 13, 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд



ҲУКМ ҚИЛДИ:

Усарова Садокат Анарбаевна (Usarova Sadokat Anarbayevna)
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва шу модда билан Жиноят кодекси 45-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга барча турдаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари, яъни 5.575.000 (беш миллион беш юз етмиш беш минг) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 61-моддасининг 2-қисмига асосан ҳар қайси жазолар алоҳида ижрога қаратилсин.

Қўшимча жазо тариқасида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ижросини таъминлаш ушбу жазони назорат қилувчи органлар зиммасига юклатилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 45-моддасининг 4-қисми талабларига асосан мазкур жазони ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

С.А.Усаровага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

С.А.Усаровадан жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг қонуний вакили А.Абдумаминова фойдасига 1.841.984 (бир миллион саккиз юз қирқ бир минг тўққиз юз саксон тўрт) сўм ундирилсин.

Манфаатдор тарафларга жиноят натижасида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан судланувчининг яшаш манзили бўйича ёхуд тегишли тартибларда бошқа фуқаролик ишлари бўйича судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланганлиги, шунингдек мазкур ҳуқуқларга ҳақли ва эга эканликлари тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар апелляция шикояти ва протести ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Х.Х.Хотамов

Аслига тўғри:

